КУТУБХОНАСИ


# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 2 (9.194) 1999 йил 6 январь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

• Иқтисодиёт • Ижтимоий соҳа • Маданият

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОҚЕАЛАР • ХАБАРЛАР •

*Саноат*

## ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ЙЎЛИДА

***Мана, олти кундирки, Янги — 1999 йил нафаси билан яшамоқдамиз. Унинг дастлабки одимлари ҳам қутлуғ бўлмоқда. Тошкентлик турли касб эгалари Янги йилнинг дастлабки кунидан бошлабоқ эзгуликка интилиб, иш жойларида кўтаринки руҳ билан меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими улар ўзларининг фидойи меҳнатларини юртимиз равнақига бағишламоқдалар. Қуйидаги дил изҳори ана шунинг ёрқин далилидир.***

**• Бахтиёр ЖУҲАРОВ, «Сергели мебель бирлашмаси» ҳиссадорлик жамияти раиси:**

— Ўтган йилда маҳсулот тайёрлаш бўйича тушган буюртмаларни ўз вақтида муваффақиятли адо этдик. Ҳар ойда 30 миллион сўмликдан ортиқ мебель маҳсулотлари ишлаб чиқаришга муваффақ бўлдик. 4 та асосий цехимизда иш яхши ташкил этилгани боис, маҳсулотларимиз сифати яхшиланиб, харидоргирлиги ортиб бормоқда. Хорижлик ҳамкорлар билан алоқаларимиз тобора мустаҳкамланаётганлиги ўз самарасини бермоқда. Айниқса, Италия, Германия, Россия ҳамда Болтиқбўйи давлатлари билан янги йилда ҳам алоқаларимизни яхши йўлга қўйиб, бир нечта қўшма корхоналар ташкил этмоқчимиз.

Ўтган йилда республика мебелсозлари ўртасида ўтказилган танловда корхонамизда ишлаб чиқарилган ётоқхона мебель термаси биринчи ўринни олди. Ўйлаймизки, янги йилда ҳам янги ва сифатли, энг муҳими рақобатбардош мебеллар тайёрлаб, харидорлар эътиборини қозонамиз. Асосий мақсадимиз эса жаҳон бозорига чиқишдир.

**• Хайрулла ҒУЛОМОВ, 2512-автожамланма раҳбари:**

— Автожамланмамизда 350 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Ўтган йилда зиммамиздаги асосий вазифа — халқ хўжалик юкларини ўз вақтида ва бехатар манзилларига етказиб бериш ишларини ўз вақтида адо этдик. 230 та юк машинамиз кўрсатилган иншоотларда муваффақиятли фаолият кўрсатдилар.

Шаҳримизда бунёд этилаётган кўплаб қурилишларда моҳир ҳайдовчиларимиз юк машиналарида бунёдкорларга мададкор бўлишмоқда. Бобур номидаги истироҳат боғи, Сайилгоҳ кўчасидаги қурилишларда бизнинг ҳам муносиб улушимиз бор. Энг қувонарлиси шундаки, моҳир ҳайдовчимиз Бадриддин Нуриддинов Президентимиз Фармонига кўра «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими» деган юксак унвонга сазовор бўлди. Бу жамоамиз аҳлига ҳам берилган катта мукофотдир.

Янги йилда ҳам эзгу-ниятларимиз, ўйлаган режаларимиз кўп. Фақат уни амалга оширишда ишчи-хизматчиларимизга яхши шароит, етарли куч-ғайрат яратиш ўзимизнинг қўлимизда.

**• Тоҳир ИМОМАЛИЕВ, «Уйжойқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг 1-капитал қурилиш бошқармаси қурувчиси:**

— Оила йилида жуда кўплаб хонадон соҳибларига янги турар жой биносида яшаш насиб этди. Ана шундай уйлардан бирини Миробод туманининг Кунаев кўчасида бунёд этмоқдамиз. 50 нафар малакали ва ғайратли қурувчиларимиз саъй-ҳаракатлари билан қураётган 26-турар жой биносининг 32 хонадонга мўлжалланган бир қисмини фойдаланишга топширдик. 32 та хонадон эгаларини хушнуд эта олганимиз қурувчиларимизни ҳам беҳад шодлантирди, юзимиз ёруғ бўлганидан севиндик.

Янги йилда эса янада тез ва сифатли ишлаш асосий бурчимиздир. Чунки тез кунларда уйнинг иккинчи 48 хонадонга мўлжалланган қисмида қурилиш-тиклаш ишларини ниҳоялаш арафасидамиз. Янги йилнинг биринчи иш кунини кўтаринки руҳда бошладик. Чунки меҳнатимиз маҳсулини инсонлар кутмоқда. Буни ҳар биримиз чуқур масъулият билан ҳис этамиз ва меҳнатимиз ҳам шунга яраша бўлади.

*Шарофат БАҲРОМОВА ёзиб олди.*

*Анжуманлар*

## ИҚТИДОРЛИ ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида Ўзбекистон Республикаси ёш олимларининг ижтимоий гуманитар йўналишдаги фанлар бўйича илмий анжуман бўлиб ўтди.***

Унда олий ўқув юртларининг иқтидорли талабалари, аспирантлар, фан номзодлари иштирок этишди. Йиғилишни ўтказишдан асосий мақсад ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларни юқори илмий даражада олиб бориш ва илғор замонавий талаблар билан уйғунлаштириш, шу соҳада илмий изланишлар олиб боришда соғлом ижодий муҳитни вужудга келтириш ва юксак анъанага айлантириш, жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ёш олимлар салоҳиятини ва иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида изланишлар олиб бораётган ёш олимларни бирлаштириш шу соҳадаги илмий тадқиқотлар савиясини ошириш долзарб илмий ишларни ва тадқиқотларни оммалаштиришдан иборатдир.

Йиғилишда семинар низоми, унинг мақсади ва вазифалари, қатнашчилар томонидан муҳокама этилди.

Сўзга чиққанлар ижтимоий-гуманитар фанлар олдидаги мавжуд бўлган муаммоларга тўхталиб, уларни ҳал этишда, ўрганишда иқтидорли ёшларни жалб этиш лозимлигини таъкидладилар.

*Феруза МУҲАММАДЖОНОВА.*

## ДАВР САДОСИ

«Тошкент оқшоми»

### МАМЛАКАТИМИЗДА

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра хизмат бурчини бажаришда кўрсатган жасурлиги ва мардлиги ҳамда дадил ҳаракатлари билан ҳавода тўқнашувнинг олдини олиб, йўловчилар ҳаётини сақлаб қолишдаги хизматлари учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуи Бирлашган авиаотряди А-310 ҳаво кемасининг командири Валерий Кулавский II даражали «Шон-шараф» ордени билан, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси учувчилар мажмуи Бирлашган авиаотряди А-310 ҳаво кемасининг иккинчи учувчиси Евгений Вашуркин «Жасорат» медали билан мукофотландилар.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра Шамситдин Бобохонов Ўзбекистон Республикасининг Саудия Арабистони Подшоҳлигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

• Республика Давлат матбуот қўмитасининг «Ўзбекистон» нашриёти Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг юксак маънавият, таълим-тарбиянинг кучқудрати ва аҳамиятига оид маърузалари, нутқлари, асарларидан олинган энг муҳим парчалардан иборат «Маънавий юксалиш йўлида» номли тўпламни рангли суратлар билан кўп минг нусхада нашрдан чиқарди.

• Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастота спектри тўғрисида»ги ва «Реклама тўғрисида»ги Қонунлари амалга киритилди.

• Фан ва техника Давлат қўмитасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йилги Давлат стипендияларини олиш тўғрисидаги гувоҳномаларни топшириш маросими бўлди.

• **Кеча** республика Адлия вазирлигида Ўзбекистон «Фидокорлар» миллий демократик партиясининг Низоми давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳномани топшириш маросими бўлди.

• Пойтахт вилоятининг Бекобод тумани аҳолисига ажойиб учта совға тортиқ қилинди. «Деҳқонобод» хўжалигида замонавий шифо маскани очилди, Ойбек номидаги хўжаликда янги мактаб бунёд этилди, «Авангард» хўжалигига эса газ келтирилди.

• Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод таваллудининг 2000 йилда нишонланадиган 545 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан эълон қилинган Беҳзод номидаги музей ва истироҳат боғининг энг яхши лойиҳаси ижодий танловининг ғолиби аниқланди. Р. Блезе раҳбарлигидаги муаллифлар жамоаси унда ғолиб чиқди.

• Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида машҳур қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматов ижодига бағишланган анъанавий адабиййхонлик бўлиб ўтди.

• Андижондаги Тантаналар уйида бўлиб ўтган тадбирга республика ва халқаро мусобақаларнинг ғолиблари ва совриндорлари бўлган спортчилар таклиф этилди.

• Фарғонада мамлакат еттинчи миллий чемпионатининг кумуш медаль совриндори — маҳаллий «Нефтчи» футбол командасини шарафлаш маросими ўтказилди.

• Нукусдаги С. Хўжаниёзов номидаги ёш томошабинлар театрида Қорақалпоғистон Болалар фонди, «Озиқ-овқат» акциядорлик жамияти ва театр жамоаси ташаббуси билан хайрия оқшоми ўтказилди. Унда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совғалар топширилди, қизиқарли томошалар кўрсатилди.

• Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри ўзининг 64-мавсумини «Кампир топайми, дадажон?» томошасини тақдим этиш билан бошлади. У томошабинларда илиқ таассурот қолдирди.

• **Кеча** Ўзбекистон Миллий матбуот марказида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун «Ўзулгуржибиржасавдо» акциядорлик уюшмаси раҳбарияти билан анъанавий матбуот анжумани ўтказилди. Унда журналистлар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларига батафсил жавоблар олдилар.

• **Кеча**дан бошлаб пойтахтимизда «Диққат, пиёда!» тадбири бошланди. Йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш мақсадида ўтказилаётган ушбу тадбир 15 январгача давом этади.

### ЖАҲОНДА

• Москвада ўтказилган биринчи халқаро «Соғлом овқатланиш — 98» кўргазма-ярмаркасида Ўзбекистоннинг «Болалар таомлари — холдинг» компанияси маҳсулотлари энг олий мукофотларга сазовор бўлди.

• Украина Бош вазири В. Пустовойтенко яқин вақт ичида ҳукумат аппарати таркиб жиҳатдан қайтадан ташкил этилажагини, ушбу аппарат 30 фоизга қисқартирилишини айтди.

• Россия Федерацияси Президентининг собиқ маслаҳатчиси С. Станкевич Польшада сиёсий бошпана топди.

• Жаҳон банки Латвияга давлат солиқ хизмати мақсадлари учун 5,1 миллион доллар ҳажмида кредит ажратди.

• **Кеча** Исроил кнессети 1999 йилнинг 17 май куни муддатидан илгари сайловлар ўтказишга қарор қилди.

• Нью-Йорк фонд биржасида Европанинг 11 мамлакатида муомалага кирган пул бирлиги — евронинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Айни пайтда унинг қиймати 1,17 АҚШ долларига, 2 немис маркасига, 40 Бельгия франкига, 6,5 француз франкига тенг.

• Ўтган йилнинг 26 декабрь куни портлаб кетган БМТнинг «Геркулес» русумидаги самолёти қолдиқлари топилди.

• Югославиянинг Косово мухтор вилоятидаги Приштинь шаҳрида ҳукумат аскарлари билан аҳоли ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб ўтди.

• Арманистон Президенти Роберт Кочаряннинг укаси Валерий бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳалок бўлди. У ўзининг мотодельтапланини бошқариш чоғидаги машқ пайтида ҳалок бўлди.

• Тожикистонда кучли бўрон оқибатларини тугатиш бўйича тиклаш ишлари давом этмоқда. Маълумки, ушбу табиий офатдан мамлакатнинг шимолий туманлари қаттиқ талафот кўрди.

• Покистонда авж олган қўпорувчилик ҳаракатлари оқибатида автомобиль кўприги портлатилди, номаълум кишилар масжидда дуохонлик қилаётганларга қарата автоматлардан ўқ узди. Шунинг оқибатида 20 дан зиёд киши ўлдирилди, ўнлаб киши жароҳатланди.

• Могадишо пойтахти Сомалидан унчалик узоқликда бўлмаган жойда кетаётган йўловчилар автобусида мухолифатчи жангариларнинг ҳужуми оқибатида 28 киши ҳалок бўлди, 10 дан ортиқ одам жароҳатланди.

• **Бугун** Японияда спортнинг самбо тури бўйича норасмий жаҳон биринчилиги ўйинлари бошланади. Унда кўпгина хорижий мамлакатларнинг вакиллари қатори Ўзбекистон самбочилари ҳам иштирок этишади.



*Ҳамкорлик*

## ЛАЗЗАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР

***Бугун Ўзбекистонда туркиялик тадбиркорлар ва ишбилармонлар томонидан очилган кўплаб қўшма ва шўъба корхоналар фаолият кўрсатмоқда. «Айлин гида санайи компани» шўъба корхонасининг фаолияти ҳам тобора ривожланиб, ўз маҳсулотлари билан элга танилмоқда. Биз корхона Бош мудири, туркиялик ишбилармон Мажит Ўздурол билан корхона фаолият йўналишлари хусусида суҳбатлашдик.***

**— Жаноб Ўздурол, шўъба корхонангиз чиқарган маҳсулотлар ҳозирда жуда машҳур...**

— «Айлин гида санайи компани» 1997 йилнинг 1 сентябридан иш бошлади. Корхонамиз ойига 75-100 тонна лаззатли қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқара оладиган, замон ва жаҳон андозалари даражасидаги техникалар билан жиҳозланган. Шу боисдан ҳам қисқа фурсатда Ўзбекистон бозоридан олий сифатли «Пикник», «Бамбино», «Кремали», «Жунгли», «Адора», «Суперпикник» каби 18 турдаги печенье маҳсулотларимиз билан мустаҳкам ўрин эгаллай олдик. Печеньеларимиз харидорнинг кўзини қувнатадиган, замонавий ёрлиқлар билан қадоқлангани боис дўкон пештахталарида туриб қолаётгани йўқ. Биз маҳсулотларимизнинг сифатини янада яхшилаш, янги хилларини яратиш, унинг харидоргирлигини, рақобатбардошлигини ошириш борасида доимий изланмоқдамиз. Ўзбекистоннинг озиқ-овқат бозори маҳсулот турини ўзимизнинг турли хилдаги лаззатбахш печеньеларимиз билан тўлдиришга ҳисса қўшаётганимиз ҳам биз учун фахрлидир.

**— Корхонангизда иш унумдорлигини янада ошириш, ишчи ва хизматчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун қандай шарт-шароитлар яратилган?**

— Корхонада ишчиларимиз 3 сменада меҳнат қилишади. Маҳаллий халқ ёшларидан ҳамда туркиялик мутахассислардан иборат 160 нафар ишчи-хизматчиларимизнинг ўртача ойлик маоши 8.500 сўмдан 12.500 сўмгача. Бундан ташқари, моддий ёрдам ва мукофот пуллари ҳам берилади. Ишчи-хизматчиларимиз ҳар куни 3 маҳал бепул иссиқ овқат билан ҳам таъминланадилар. Мавжуд шароитлар, қулайликлар корхонамизнинг ишлаб чиқариш қуввати янада юксалишига, иш унумдорлигини оширишга имкон бермоқда.

**— Маҳсулотларимизнинг экспорт қилиниши хусусида ҳам гапириб ўтсангиз...**

— Рақобатбардош маҳсулотларимизни экспорт қилиш юксак мақсадларимиздан бири, албатта. Айни пайтда Қозоғистонда ўз филиалимиз мавжуд бўлиб, ҳар ойда 40 тонна атрофида печеньеларни пешма-пеш жўнатиб турибмиз.

Ўйлаймизки, яқин ойларда «Айлин» фирма белгиси туширилган печеньеларимиз Марказий Осиё республикаларига ҳамда Россиянинг катта шаҳарларига экспорт қилина бошланади.

**— Маълумки, 1999 йил — Аёллар йили деб эълон қилинди. Сизни қандай ўйлар, ҳис-туйғулар тўлқинлантирмоқда?**

— 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши бизни ҳам ғоятда қувонтирди. Сабаби — корхонамиздаги ишчи-хизматчиларнинг 75 фоизини қизлар, аёллар ташкил этишади. Шу боисдан ҳам уларга 1999 йилда яхши ишлашлари, ўз вақтида дам олишлари, даволанишлари, ўқиб-ўрганишлари учун янгича шароитлар, қулайликлар, енгилликлар яратиб беришни яхши ниятлар ила режалаштирдик. Ўйлаймизки, ҳаётимиз кўрку чиройи бўлган аёлларимизга юксак эҳтиромимиз, эътиборимиз, ғамхўрликларимиз уларнинг янада гўзал ҳаёт кечиришлари учун замин яратади.



*Мирзаали АКБАРОВ.*

*СУРАТЛАРДА: корхона ҳаётидан лавҳалар.*

*Солиҳ Зоир олган суратлар.*

*Тадбирлар*

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

***Ҳар йили янги йил арафасида юртимизга Америкадан болалар учун инсонпарварлик ёрдами келади. Унда асосан кийим-бош бўлиб, улар республика ва Тошкент шаҳар болалар жамғармаси томонидан кам таъминланган оилалар ва боқувчисини йўқотган болаларга тарқатилади. Куни кеча ана шундай ёрдам совғалари Ҳамза туманидаги «Замондош» маданият уйида бўлиб ўтган арча байрамида болаларга тарқатилди.***

— Бу йил Тошкент шаҳар болалар жамғармаси ҳисобига 100 нафар бола учун инсонпарварлик ёрдами совғаси ажратилди, — дейди жамғарма раиси Насиба Эргашева. — Шундан 20 тасини Ҳамза туманидаги болаларга ажратдик. Қорбобо ва Қорқиз, «Фарангиз» гуруҳи ижро этган куй-қўшиқлар болаларга олам-олам қувонч бахш этди.

Тадбирда «Ўрта масжид», «Қўйлиқ», «Муқимий» маҳалласи аҳолиси, ота-оналар, шунингдек ҳомийлардан «Маданий моллар» республика ҳиссадорлик жамияти, «Наргиз» фирмаси ҳам иштирок этди.

*Гулбаҳор МЎМИНОВА.*

*Спорт*

## ЯПОН КЭМПОЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Шаҳримиздаги Олимпия шоншуҳрати музейида спортимиз юлдузлари, чет эллик меҳмонлар ҳамда спорт фахрийлари билан тез-тез учрашувлар ўтказиш тобора яхши анъанага айланиб бормоқда.

**КЕЧА**

***ана шу музейда Японияда ташриф буюрган етти нафар қадимий қўл жанги — кэмпо усталарининг спорт журналистлари билан учрашуви бўлиб ўтди.***

Мамлакатимизга ташриф буюрган япониялик кэмпо усталари Самарқанд ва Тошкент шаҳарларидаги кўпгина ўйингоҳларида ҳам ана шундай учрашувлар ўтказиб, ўз санъатларини намойиш этган эдилар.

Мазкур тадбирда япониялик кэмпо усталари кўргазмали чиқишларида ўзларининг бекиёс маҳоратларини намойиш этиш билан бирга, журналистларни қизиқтирган саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Япония кэмпо федерацияси президенти Набутиру Эрино бугунги кунда Ўзбекистонда спортни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишларга катта баҳо бериб, якка курашнинг кэмпо турини юртимизга тарғиб қилиш учун келганлигини алоҳида таъкидлади.

Шуни айтиш керакки, ушбу спорт тури Японияда қадимдан мавжуд бўлиб, ўзимизнинг қўл жангига ўхшашиб кетади. Албатта, бу каби учрашувлар Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

*Одил ХАСАНОВ.*

*Конституция яшамоқда ва амал қилмоқда*




***Қадрли муштарийлар! Янги йилдан бошлаб аввалги йилларда «Оқшом» саҳифаларида мунтазам ёритиб борганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддалари хусусидаги туркум мақолаларни бериб борамиз. Зеро, Асосий Қомусимиз бўлмиш Конституциямиз яшамоқда ва амал қилмоқда.***

**Ўзбекистон Конституциясининг 28-моддаси:**

**«Ўзбекистон Республикаси фуқароси Республика ҳудудида бир жойдан бошқа жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Қонунда белгиланган чеклашлар бундан мустаснодир».**

Асосий Қонуннинг ушбу моддаси Ўзбекистон фуқароларининг қуйидаги муҳим шахсий ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлайди. Бунга кўра, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси биринчидан, республикамиз ҳудудида хоҳлаган жойга кўчиб ўтиши ва яшаш учун қулай жой танлаши, иккинчидан, чет элдан Ўзбекистон Республикасига қайтиб келиши ва учинчидан, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиши мумкин.

Шуни алоҳида айтиб ўтиш жоизки, фуқароларнинг бундай ҳуқуқлари тўғрисида илгариги совет Конституцияларида ҳеч нарса дейилмаган эди. Чунки «қизил империя» ҳукмронлиги шароитида «совет фуқаролари» ташқи дунёсидан ажратиб қўйилган, чет давлатларга чиқиш ва у ерда яшаш имкониятларидан маҳрум этилган ва ҳатто, хорижий мамлакатларда яшаш истагини билдирган кишилар жиддий шубҳа остига олинар эди. Мустақил Ўзбекистон Конституцияси миллий давлатчилигимиз конституциявий ривожланиш тажрибасида илк марта фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, ундан чиқиб кетиши ва қайтиб келиши мумкинлигини эътироф этди. Албатта, фуқароларнинг бу ҳуқуқлари фақат қонунда белгиланган баъзи ҳоллардагина чекланиши мумкин.

Конституцияда фуқаролар учун кафолатланган юқоридаги ҳуқуқлар халқаро ҳуқуқ қоидаларига асосланади. Зеро, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 13-моддасида таъкидланганидек, «Ҳар бир инсон ҳар бир мамлакат ҳудудида эркин юриш ва ўзига истиқомат жойи танлаш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатдан, шу жумладан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш ва ўз мамлакатига қайтиб келиш ҳуқуқига эгадир». Худди шу-

# КЎЧИШ ВА ТУРАР ЖОЙ ТАНЛАШ ҲУҚУҚИ

нингдек, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 12-моддасига биноан «Бирор бир давлат ҳудудида қонуний тарзда ҳар бир одам шу ҳудуд доирасида эркин кўчиб юриш ҳуқуқига эгадир. Ҳар бир инсон ҳар қандай мамлакатни, шу жумладан ўз мамлакатини тарк этиш ҳуқуқига эгадир... Ҳеч ким ўзбошимчалик билан ўз мамлакатига кириш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин эмас». Мазкур халқаро ҳужжатда айтилишича, юқорида зикр этилган ҳуқуқлар ҳеч қандай чеклашлар объекти бўлиши мумкин эмас. Лекин қонунда кўзда тутилган баъзи ҳолларда, масалан, давлат хавфсизлигини, жамоат тартибини, аҳолининг сиҳат-саломатлигини ёки ахлоқ-одобини сақлаш учун ёки бошқаларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини сақлаш учун зарур бўлганда ва бошқа шу каби ҳолатларда бундай ҳуқуқлар чекланиши мумкин.

Юқорида айтганимиздек, Ўзбекистон фуқаролари Конституцияга биноан аввало бир жойдан иккинчи жойга кўчиш ҳуқуқига эга. Бунда давлат томонидан фуқароларнинг чегара ҳудудларига кириши ва чегара ҳудудларида бўлиши тартибини белгилайдиган махсус қоидалар ўрнатилган бўлиб, фақат шу қоидалар асосида баъзи чеклашлар жорий қилинган. Бу давлат хавфсизлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, халқаро жиноятчилик ва давлат манфаатларига қарши қаратилган жиноятларга қарши биргаликда кураш олиб бориш ва бошқа шу каби заруриятлардан келиб чиқади.

Чегара ҳудудларида доимий яшамайдиган шахслар у ерга кириш ҳақида тегишли рухсатнома олишлари лозим. Рухсатнома фуқаро яшаб турган жойдаги ички ишлар идоралари томонидан қонунда ўрнатилган тартибда берилади. Чегара чизиғи ҳудудига кириш ва унда яшашга чегара қўшинлари рухсати билан йўл қўйилади.

Чегара ҳудудларига кириш қоидаларини бузиш қонун билан тақиқланади.

Мамлакатимизда фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетиш қоидалари ҳам ўрнатилган. Бундай қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 6 январдаги қарори билан тасдиқланган. Бу қарорга қўшимчада Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг чет элга шахсий, жамоат ишлари билан, доимий яшашга, сайёҳ сифатида, ўқишга, ишга, даволанишга ва командировкага чиқиши унинг эркин ҳуқуқи эканлиги таъкидланган.

Чет элга чиқиб кетиш истагини билдирган фуқаро бунинг учун ўз паспортини ва белгиланган шаклдаги анкета-аризани ўзи яшаб турган жойидаги ички ишлар идораларига тақдим қилиши лозим. Ички ишлар идоралари эса қонун бўйича бундай аризалар тушган кундан бошлаб 15 кун ичида уларни кўриб чиқишлари лозим. Чет элга доимий яшаш учун чиқаётган фуқароларнинг ариза-анкеталарини кўриш муддати 30 кунгача узайтирилиши мумкин.

Қонунларда чет элга чиқиш ҳуқуқлари чекланган шахслар рўйхати ҳам аниқ белгилаб қўйилган.

Фуқаронинг чет элга чиқиш ҳуқуқи бузилганда, яъни чет элга чиқиши ҳақидаги аризаси асоссиз рад этилганда, у бу ҳақда тегишли юқори идораларга шикоят қилишга ҳақлидир. Бундай шикоятларга бир ой мобайнида жавоб қайтарилиши шарт.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, белгиланган тартибни бузиб чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш ёхуд чегарадан ўтиш Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 223-моддасига асосан жиноят ҳисобланади ва бунинг учун энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

Демак, юздан ортиқ миллат ва киши истиқомат қилаётган Ўзбекистонда уларнинг барчасига бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи мамлакатимиз Асосий Қонунида мустаҳкамланган ва махсус қонунлар билан кафолатланган.

Айнан шу ҳуқуқдан фойдаланиб кўп ўзбекистонлик қрим татарлари, яҳудийлар ва бошқа миллатга мансуб фуқаролар ўзларининг ота-боболари юртига чиқиб кетишга муяссар бўлдилар. Худди шундай ҳуқуқдан фойдаланиб, илгари ўз она юртидан «қизил террор» натижасида қувғин қилинган кўпгина ўзбек юртдошларимиз ва уларнинг авлодлари ўз Ватанига қайтиш бахтига мушарраф бўлдилар. Инчунун, шўролар замонида буни тасаввур қилиб ҳам бўлмас эди. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, фақат истиқлол шарофати ила бугунги кунда Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси келиб чиқиши, миллати, ирқи ва бошқа жиҳатларидан қатъи назар, амалдаги кафолатланадиган кенг ва тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эгадир.

*Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,*
*Тошкент Давлат юридик институти катта ўқитувчиси.*

*Тошкентда тайёрланган*

# СИФАТИ ҚАФОЛАТЛИ

***Оқшомлари шаҳримиз янада гўзаллашиб кетади. Эндигина қуриб битказилган маданий-маиший мажмуалар, турар жой бинолари унинг кўркига ўзгача тароват бахш этади. Ушбу бинолар ичкарисини кўздан кечирсангиз биринчи навбатда диққатингизни уларнинг хоналари ҳуснига мос тушган сантехника жиҳозлари тортади. Шунда беихтиёр хаёлингиздан бу бежирим мосламаларнинг ижодкорлари кимлар экан деган фикр ўтади. Чунки ушбу анжомлар «Сантехника жиҳозлари» синов-тажриба корхонасида тайёрланишини ҳамма ҳам билавермаса керак. Шу боис Янги йилнинг дастлабки ҳафтасида корхона раҳбари Баҳром Алимов билан суҳбатда бўлдик.***



**— Баҳром Обидович, ўтган 1998 йил якунларидан кўнглингиз тўлдими?**

— Ҳисоб-китобларга кўра «ҳа» деб жавоб беришим ҳам мумкин. Лекин биз учун ютуқ чегара эмас. Зеро бозор иқтисодиётининг талаби ҳам шундай. Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаш керак бўлади. Ҳозирги шароитда талабдан келиб чиққан ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш керак. Чунки тайёр маҳсулот ўз вақтида эгасини топмай омборда туриб қолса бу корхона учун икки томонлама зарар. Шунинг учун иш услубимизга ўзгартиш киритиб, кўпроқ эътиборни буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратганмиз. Цехларимиздан Ғарбдан келтирилган замонавий дастгоҳлар ўрин олган. Улар ёрдамида турли шаклдаги сифати кафолатланган сантехника жиҳозлари, ванна, ювиш мосламалари тайёрланмоқда. Айни вақтда сифатли маҳсулот учун сифатли хом ашё керак бўлади. Шуни ҳисобга олиб полистер қоришмаси ва мармар кукунини Туркиядан олиб келмоқдамиз. Шунинг эвазига арзон ва сифатли, бежирим маҳсулот чиқараяпмиз. Бу аввалги чўяндан тайёрланган ванналарга нисбатан анча арзондир.

Ишлаб чиқараётган маҳсулотимиз ҳар томонлама бежирим бўлишини инобатга олиб, тажриба алмашиш мақсадида Туркия давлатига ҳам бориб келдик. Янги технология асосида иш юритиш сир-асрорларини бизнинг ходимларимиз Туркиядаги «Пакпрес» хусусий фирмаси ходимларидан ўрганиб келишди.

Ўтган йилнинг бошида «Пульс-Бах» Ўзбек-Туркия кичик қўшма корхонасини ишга туширдик. Бу корхона шаҳримиздаги айрим сантехника маҳсулотлари чиқарадиган қўшма ва хусусий корхоналар билан рақобатлаша оладиган маҳсулот чиқаришга эришмоқда.

Биз ўтган йилнинг ҳар бир кунидан унумли фойдаланиб, иш юритганимиз учун ҳам режадаги ишларимиз кўнгилдагидек бўлди. Шартномада белгиланган водопровод, ванна ва бошқа қурилиш учун комплектацияларни ишлаб чиқаришга улгурдик. Бу 121 миллион сўмдан зиёд бўлди.

Жамоамизда меҳнат қилаётган 230 нафар ишчининг аксарияти малакали мутахассис деган номга мушарраф бўлишган. Сабаби замонавий технологияда иш юритаман деган ходим ҳар томонлама мукаммал билимга ҳам эга бўлмоғи лозимлигини тўғри тушуниб етишди.

Биз янги 1999 йил — Аёллар йилида ҳам янада унумли меҳнат қиламиз, деган умиддамиз. Иқтисодиётимизни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшаётган аёлларимиз сони тобора кўпаяверсин, дегимиз келади. Шу боисдан кичик қўшма корхонамиз раҳбари Светлана Саркисьян билан суҳбатни давом эттирсангиз.



**Светлана Саркисьянни бир оғиз сўз билан тадбиркор аёл дейишимиз мумкин. Чунки унинг билмаган иши йўқ: ҳисобчи, ҳайдовчи, раҳбар, шунингдек, аёл — онадир.**

**— Айтинг-чи, Светлана, нима учун айнан сантехника жиҳозлари ишлаб чиқариш бўйича иш юритишга киришгансиз?**

— Гоҳо ўзим ҳам ҳайрон қоламан, нега шундай экан деб. Бироқ бу ишни бошлашимга туртки бўлган нарса кўпроқ аёлларимизнинг вақти ошхонада ўтиши табиий. Мен истардимки, ярқираб турган, бутун мосламаси жамулжам бўлган шундай жойда ҳар қандай аёл завқ билан ишини қилади, овқатини тайёрлайди. Назаримда менга туртки бўлган нарса ҳам ана шулар бўлса керак. Бу корхонани тузгунгача қанча қийинчиликлар бўлди. Лекин ҳаммасини енгиб ўтдик. «Бошқурилишкомплект» бошқармаси ҳамда ошхона мебеллари тайёрловчи кичик корхоналар билан шартнома тузиб олдик. Улар билан 1999 йилда ҳам ҳамкорликда иш юритамиз. Бажариладиган ишларнинг ҳаммаси буюртма асосида бўлади. Уларнинг ранги, ҳажми буюртмачининг ихтиёрига қараб амалга оширилади. Шунингдек, Туркиядан келтирилган сантехника жиҳозлари йиғилиб, махсус дўконимизда сотилмоқда. Биз Аёллар йилида ҳам янада самарали ишлаш режаларини тузиб олганмиз.

*Гулзода МАМБЕТОВА.*

*СУРАТЛАРДА: «Пульс-Бах» қўшма корхонаси раҳбари Светлана Саркисьян; корхонада тайёрланаётган сантехника жиҳозлари.*



*Рустам Шарипов олган суратлар.*

*Метро*

# БЕТАКРОР БЕКАТЛАР

***Метро транспортнинг энг қулай ва ишончли турига айланган. Ҳамшаҳарларимиз Тошкент метросининг учинчи — «Юнусобод» йўналишида тезюрар вагонлар қатновини сабрсизлик билан кутишмоқда. Уларнинг ана шу эзгу ниятларини амалга ошириш йўлида эса бугунги кунда 2000 нафарга яқин метро қурувчи бунёдкорлик ишларини муваффақият билан олиб боришмоқда.***

«Юнусобод» йўналиши ишга тушгач 16,5 километр масофани бир-бирига боғловчи 13 та бекатда поездлар қатнови йўлга қўйилади. Айни кунларда эса бу йўналишнинг 7,5 километрни ташкил этган биринчи навбати — 6 та бекати қурилиши имкониятлар даражасида олиб борилмоқда. Ўтган йилда бозор иқтисодиёти келтириб чиқараётган айрим муаммоларни имкониятларига яраша ҳал этган метроқурувчилар зиммаларидаги вазифаларни сидқидилдан бажардилар. «Мингўрик», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Ҳабиб Абдуллаев» бекатларида қурилиш-тиклаш ишлари жадал суръатларда борди. «Юнус Ражабий» бекатида эса ер ости қазиш ишлари ниҳоясига етиб қолди. Энг қизғин меҳнат жараёни «Бодомзор» бекатида олиб борилди. Бу бекатда пардозлаш ишларининг 30 фоиздан ортиғи сифатли қилиб адо этилди. «Метроқурилиш»га қарашли 1-, 2-қурилиш-тиклаш бошқармалари ҳамда 2-ер ости қасри отрядининг бунёдкорлари 3 сменада иш юритишиб, кўзлаган марраларини адо этмоқдалар.

— Бу йилги режаларимиз анча юксак, — дейди бирлашма бошлиғи Шокир Солихўжаев. — 6 та бекатнинг барчасида қурилиш-тиклаш ишларини ниҳоялашни кўзда тутганмиз. Пардозлаш ишларини эса қўли гул қурувчиларимиз олиб борадилар. Чунки пойтахтимиз нафақат ер усти иморатлари, муҳташам бинолари, балки бизнинг бунёдкорларимизнинг машаққатли меҳнатлари эвазига қад ростлаётган ер ости қасри билан ҳам гўзал ва машҳур бўлишини истаймиз. Ҳамшаҳарларимизнинг эса узоғи яқин бўлиши истагида меҳнат қилмоқдамиз.

Пойтахтимиз аҳолисига ана шундай яна бир қулайлик яратиладиган кунлар яқин қолди. Улар ҳадемай «Юнусобод» йўналишининг гўзал ва бетакрор бекатларида ўз юмушлари сари отланадилар.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*Келажакка юз тутган шаҳар*

# ТЎРТ ЮЛДУЗ ПОРЛАЙДИ

***Амир Темур хиёбонидан ўтиб бораётганимизда чет эллик бир меҳмон ярим русча аралаш биздан «Буиг» меҳмонхонасини сўраб қолди.***



— Йўлимиз бир экан, юринг кўрсатамиз, — дедик биз. Сўнг қўшиб қўйдик: — Лекин меҳмонхона ҳали ишга тушган эмас.

— Жой олиш маъносида эмас. Ўзим бир кўриб қўймоқчиман, — деди меҳмон кулиб.

Танишдик. У Германиядан келган экан.

— Тошкентда биринчи марта бўлишингизми? — сўрайман ундан.

— Йўқ. Бундан ўн йил муқаддам ҳам бўлганман. Бироқ бугунги Тошкентни ўша вақтдагиси билан сира таққослаб бўлмайди. Жуда ўзгариб, гўзаллашиб кетибди.

Биз меҳмонга шаҳримиз ҳақида гапира туриб бундай меҳмонхона ягона эмаслигини, ҳозиргача ушбу кошоналардан учтаси Тошкентимизда фаолият кўрсатаётганини гапириб бердик.

Шу аснода «Буиг» меҳмонхонаси рўпарасига етиб келдик.

— Мана буни ҳақиқий кошона деса бўлади, — деди меҳмон деярли қуриб битказилган 16 қаватли бинога ҳавас билан тикилиб.

Шу баҳона биз ҳам шу мажмуани кўздан кечирдик. Ҳозир у фойдаланишга топшириш арафасида экан. Шунинг учун меҳмонхона ҳовлиси ва теварак-атрофи ободонлаштирувчилар билан гавжум. Бу ерда ишлаётган техникаларнинг овози эрта тонгдан кечгача тинмайди. Бош пудратчи «Буиг» компанияси ўзига топширилган масъулиятли ишни муваффақият билан ниҳоясига етказмоқда.

Шу ўринда газетхонларга тушунарли бўлиши учун бош пудратчи ҳақида икки оғиз сўз айтиш жоиз албатта. Бу компания 80 дан ортиқ мамлакатларга машҳур бўлиб, 40 йиллик катта тажрибага эга.

«Буиг» барча кўринишдаги лойиҳаларни яратиш, ҳаётга тадбиқ этиш ва молиявий жиҳатдан таъмирлаш қудратига эга.

250 ўринга эга бўлган меҳмонхонада иккита ресторан, ички ва ташқи сув ҳавзалари, бар, анжуманлар зали, бизнес маркази, дам олиш мажмуалари, соғломлаштириш клуби, сауна, гимнастика зали, теннис корти ва бир қатор маданий-маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ҳам бор.

Узлуксиз қилинган меҳнат ўз самарасини кўрсатди. Меҳмонхонада безак ишлари адоғига етмоқда. Ҳозирда хоналарни жиҳозлаш ва мажмуа ҳудудини ободонлаштириш ишлари зудлик билан олиб борилмоқда. Яна орадан маълум муддат ўтади. Ана ўшанда пештоқида тўрт юлдуз порлайдиган ушбу ноёб меҳмонхона хизматидан шаҳримизга ташриф буюрувчилар баҳраманд бўлишади.

*Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.*

*СУРАТЛАРДА: «Буиг» меҳмонхонасининг бугунги кўринишидан лавҳалар.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*



*Қишки таътил*

# МАЗМУНЛИ ЎТМОҚДА

***Қиш фаслини азиз болалар завқ-шавқ билан мириқиб томоша қиладиган файзли байрам томошаларисиз тасаввур этиш қийин. Мактаб ўқувчиларининг қишки таътил кунларини мазмунли ўтказиш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Бу ҳақда Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Фозил Рўзибеков қуйидагиларни сўзлаб берди:***

— Меҳнат аҳли ҳамда улар фарзандлари дам олиши ва соғломлаштиришни ташкил этиш шаҳар касаба уюшмалари кенгаши фаолиятининг диққат эътиборида бўлиб келмоқда. Кумуш қиш фасли болаларни яшил арча атрофидаги қувноқ кулгулари, эртаклар оламига етакловчи байрам томошалари билан янада гўзал ҳамда эсда қоларлидир.

Келажагимиз ворисларига бир олам шодлик бахшида этишдек хайрли ишни амалга ошириш учун Тошкент шаҳар ҳокими ва шаҳар касаба уюшмалари кенгаши раёсатининг «Қишки таътил кунларида мактаб ўқувчиларининг дам олишини ташкил этиш тўғрисида» қўшма қарори қабул қилинди.

Янги йил шодиёналари мазмунли ва мароқли ўтиши учун белгиланган тадбирларга мувофиқ А. Навоий номидаги Санъат саройида ва В. Митрофанов номидаги спорт-соғломлаштириш мажмуида, Муқимий номидаги мусиқали театрда, темирйўлчилар маданият саройида ва Республика қўғирчоқ театрида умумшаҳар Янги йил арча байрами томошалари намойиш этилмоқда.

Азиз болалар яшил арча атрофидаги қувноқлар даврасида яйраб, севимли эртаклар оламига саёҳат қилиб, завқ-шавққа тўладилар, моҳир санъаткорлар ижросидаги ажойиб саҳна асарларидан баҳраманд бўлиб, мириқиб ҳордиқ чиқарадилар. Бундан ташқари корхона, ташкилотларда ҳам меҳнат аҳлининг фарзандлари учун ажойиб байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

200 мингга яқин ўғил-қиз Тошкент шаҳар касаба уюшмалари кенгашининг саъй-ҳаракати билан тайёрланган ажойиб совғалардан баҳраманд бўладилар.

Шунингдек, 1998 йилнинг 30 декабридан 1999 йилнинг 10 январигача стационар болалар соғломлаштириш оромгоҳлари негизида қишки оромгоҳларни ташкил этиш режалаштирилиб, гўзал табиат гўшаларида жойлашган «Эльбрус», «Камалак», «Меҳржон» оромгоҳларида болалар дам олиб соғлиқларини мустаҳкамлайдилар. Кези келганда айтиш керакки, йилнинг тўрт фаслида ўқувчиларнинг таътил кунларида бир маромда фаолият кўрсатиб, болаларнинг севимли дам олиш масканига айланган «Эльбрус» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Оромгоҳларга йўлланманинг 10 фоизини ота-оналар тўлаб, қолган қисми эса касаба уюшмалари томонидан қопланади.

Ўқувчиларнинг қишки таътил кунларида ўнлаб мактаб ўқитувчилари берилган имтиёзли йўлланмалар бўйича «Бўстон», «Ҳумсон», «Янгийўл» санаторийларида, олий ўқув юртларининг талабалари эса «Чимён» санаторийсида мириқиб дам олиб соғлиқларини мустаҳкамлайдилар.

Бир сўз билан айтганда бахтли болалик дунёси муҳитини яратиш лозим. Бундай шароитда тарбияланиб, соғломлаштирилаётган азиз болалар мароқли дам олиш, дўстлар орттириш билан бирга маданий ҳордиқ чиқарадилар. Улар оромгоҳдаги биринчи кунданоқ меҳрибон кишилар даврасидаги ғамхўрликни ҳис этишлари билан бирга дам олишлари ҳам кўнгилдагидек ўтмоқда.

*Улуғбек ПЎЛАТОВ.*

